Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 76 (7216). ● 18 апрель 1980 йил ◆ ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛЛА—РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йили ғалла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришини таъминладилар.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида область колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари 247,3 минг тонна, яъни пландаги кўзда тутилганидан 50 минг тонна кўп ғалла етиштирдилар. Ғалла қабул пунктларига биринчи маротаба 115,4 минг тонна дон етказиб берилди. Бу социалистик мажбуриятда белгилаб қўйилганидан 5,4 минг тонна, давлат харид қилиш ҳажмига нисбатан 44,4 минг тонна кўпдир.

Область ғаллакорлари ғалла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент области меҳнаткашларига йўллаган табрик Мактуби қишлоқ меҳнаткашларини янги ютуқларга руҳлантириб юборди.

Партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва унинг муҳим тармоғи бўлган ғаллачиликни юксалтириш тўғрисидаги кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ўзларининг куч-ғайратларини 1980 йилда ғалла етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича зиммага олинган план ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга қаратмоқдалар.

1980 йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилган: Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозидан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳолида Абдураимова, Калинин районидаги Қуйбишев номли колхозидан Раҳмат Ортиқов, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан Тўхтасин Қосимов, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан Ўзбекистон Лекин комсомоли мукофоти лауреати Абдурасул Эрназаров, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозидан Абил Бойсенов, Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозидан Такабой Қонишев, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозидан Раиса Тигай, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Маҳамат Аҳроров, Оҳангарон районидаги «Ғаллакудуқ» совхозидан Ҳайдар Мавлонов, Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозидан Барат Ниёзов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йилида икки-икки ярим йиллик ҳажмда ғалла етиштириш, баҳорикор ерларнинг ҳар гектаридан кам деганда 20 центнердан бошоқли дон, 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори донидан ҳамда 70—85 центнердан шоли ҳосили олиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг муҳокама этилишини таъминлаш, баҳорикор ерларда ҳар гектаридан кам деганда 20 центнердан бошоқли дон, 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори донни, 70 центнер ва ундан ошириб шоли ҳосилини олиш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириш вазифасини топширди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газета редакциялари, область телевидениеси ва радиосига ғалладан мўл ҳосил олиш учун курашаётган ва 1980 йил учун олинган социалистик мажбуриятлар ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарилишини таъмин этган илғор районлар, хўжаликлар, бригадаларнинг иш тажрибасини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалиги органлари, бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига илғор ғаллачилик бригадаларининг ибратли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг муҳокама этилишини таъминлаш, баҳорикор ерларда ҳар гектаридан кам деганда 20 центнердан бошоқли дон, 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори донни, 70 центнер ва ундан ошириб шоли ҳосилини олишни юзасидан социалистик мусобақани амалий иш билан мустаҳкамлаб, ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун курашадилар.

Область партия комитети юксак социалистик мажбурият олган Ҳ. Абдураимова, Р. Ортиқов, Т. Қосимов, А. Эрназаров, А. Бойсенов, Т. Қонишев, Р. Тигай, М. Аҳроров, Ҳ. Мавлонов, Б. Ниёзов ўртоқларнинг қимматли ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалиги органлари, бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига илғор ғаллачилик бригадаларининг ибратли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг муҳокама этилишини таъминлаш, баҳорикор ерларда ҳар гектаридан кам деганда 20 центнердан бошоқли дон ҳосили олиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг муҳокама этилишини таъминлаш, баҳорикор ерларда ҳар гектаридан кам деганда 20 центнердан бошоқли дон, 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори донни, 70 центнер ва ундан ошириб шоли ҳосилини олиш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириш вазифасини топширди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газета редакциялари, область телевидениеси ва радиосига ғалладан мўл ҳосил олиш учун курашаётган ва 1980 йил учун олинган социалистик мажбуриятлар ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарилишини таъмин этган илғор районлар, хўжаликлар, бригадаларнинг иш тажрибасини мунтазам ёритиб бориш топширилди.



Ҳолида АБДУРАИМОВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати,
Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозининг маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

1976 ЙИЛ бошида ўнинчи беш йиллик планни уч йилда бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилган эдик. Ваъдамизни ёруғ юз билан бажардик. Тўрт йил давомида планга қўшимча 554 тонна дон тайёрладик. Шунисн қувончлики, бундай муваффақиятларга фақат ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришаётирмиз. Бир неча йилдирки, ҳар гектар майдондан мунтазам 110 центнердан ошириб маккажўхори дон ҳосили олаяпмиз.

Бригадамизда ҳосилдорликни янада ошириш имконини берадиган резервлар бор. Шуни ҳисобга олиб, бу йил гектаридан 110 центнердан ҳосил олишга қарор қилдик.



Раҳмат ОРТИҚОВ,
Калинин районидаги Куйбишев номли колхозининг маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

КОЛЛЕКТИВИМИЗНИНГ меҳнат шиори кам чиқим билан кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдир. Бригадамиз аъзолари ҳар йили 40 гектар ерда маккажўхори донн етиштирадилар. Ҳар бир кишига ўн гектар ер тўғри келади. Демак, олдимизда турган вазифани муваффақиятли уддалаш учун кўпроқ техникага суянишимиз керак. Биз шу йўлдан борib, комплекс механизацияни жорий этаётирмиз. Натижада ўтган йили ҳосилдорлик 110 центнерга етди. Тўрт йилда беш йиллик планни 147 процент қилиб бажардик. Беш йиллик планга қўшимча 482 тонна дон етиштирилди.

Мажбуриятимиз ҳар гектар майдондан 112 центнердан хирмон кўтаришдир.



Тўхтасин ҚОСИМОВ,
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

БУ ЙИЛ ўн биринчи беш йиллик ҳисобига дон етиштирамиз. Ўтган тўрт йил давомида эса жами 2902 тонна маҳсулот тайёрлаб, беш йиллик планни муваффақиятли бажардик. Ҳосилдорликни 105 центнерга кўтардик. Бунда механизаторлар р н м н з д а н Аширгелди Нурнев ва Виталий Кабардиновларнинг ҳиссалари катта. Улар уруғни экиш, ниҳолларга ишлов бериш ва етилган ҳосилни йиғиштириб олишда ҳар йили фидокорлик кўрсатиб ишлайдилар.

Ишларимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва КПССнинг бўлажак XXVI съезди шарафига бу йил гектаридан 110 центнердан ҳосил олишга бел боғладилар.



Абдурасул ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг маккажўхоричилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

ЎНИНЧИ беш йилликда бригадамиз аъзолари катта ғалабани қўлга киритдилар. Тўрт йилда икки беш йиллик планни бажардик.

Комсомол-ёшларимиз маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришнинг ҳаддини олишган. Масалан, ўтган йили 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 126 центнердан хирмон кўтарилди. Бригадамиз фақат тўрт кишидан иборат бўлганлиги, техника воситаларидан самарали фойдаланганлигимиз учун маҳсулот таннархи арзонлашди.

Якунловчи йилда ютуқларни янада мустаҳкамлаб, 130 центнерлик маррани эгаллаймиз.



Абил БОЙСЕНОВ,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг шолничилик бригадаси бошлиғи.

ЎНИНЧИ беш йиллик самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлганлиги учун биз дастлабки йилданоқ шоли етиштиришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштириш учун курашиб келмоқдамиз. Ўтган тўрт йил давомида беш йиллик пландагидан 132 тонна кўп маҳсулот етиштирдик. Шу йиллар давомида ўртача ҳосилдорлик 76,2 центнерданга тўғри келди.

Бригадамиз аъзолари бу йил ҳосилдорликни 80 центнерга етказиш мажбуриятини олганлар. Бунинг учун шолини суғориш ва бошқа агротехник тадбирларни амалга оширишда илғор усулларни қўллаймиз ва бир центнер шолининг таннархини ўтган йилдагига нисбатан 6 процент арзонлаштирамиз.



Такабой ҚОНИШЕВ,
Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг шолничилик бригадаси бошлиғи.

СОВХОЗИМИЗ шоли етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликдир. Техника воситаларидан кенг фойдаланиб, энг илғор агротехника усулларини қўллаяпмиз. Бу ҳар йили бир маромда юқори ҳосил етиштириш имконини беради. Бундан ташқари меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи арзонлашмоқда.

Бригадамиз коллективи тўрт йил давомида 2102 тонна шоли етиштириб беш йиллик планни 131 процент қилиб бажарди. 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йили 60,7 центнердан хирмон кўтардик.

1980 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилганмиз. Ҳосилдорликни 65 центнерга етказамиз.



Раиса ТИГАЙ,
Урта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг шолничилик бригадаси бошлиғи.

БРИГАДАМИЗ аъзолари қанот, силос учун маккажўхори ва соя етиштирадилар. Аммо, асосий экинимиз шолидир. Бошқа экинлар эса алмашлаб экиш учун зарур бўлади. Шолн ҳосилдорлигини йил сайин оширишга эришаётганлигимиз сабабн ҳам шунда. Ўтган йили 96 гектар шолипоянинг ҳар гектаридан 82,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. 4 йил давомида беш йиллик планни 140 процентдан ошириб бажардик. Ҳосилдорлик аввалги йилдагидан 1,5 центнер кўпайдн.

Бу йил ҳар гектар ердан 85 центнердан хирмон кўтарамиз ва шоли таннархини ўтган йилдагига нисбатан 10 процентга арзонлаштирамиз.



Маҳамат АҲРОРОВ,
Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.

15 ЙИЛДАН бери ғаллачилик бригадасига бошчилик қиламан. Бу йиллар давомида дон экинларига ишлов бериш агротехникаси такомиллашди, ғаллакорларимизнинг касб маҳоратлари анча ошди. Биз донни, асосан, кузда экиш ҳисобига ҳосилдорликни оширнб бораяпмиз. Шу туфайли беш йиллик планни уч йилда бажардик. Ўтган йили ҳар гектар ғаллазордан ўртача 19 центнердан хирмон кўтарнб, ўнбиринчи беш йиллик ҳисобига дон топширдик.

Бу йил бригадамиз аъзолари рекорд ҳосил олишга ахд қилишган. Буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини 20 центнерга етказамиз.



Ҳайдар МАВЛОНОВ,
Оҳангарон районидаги «Ғаллакудуқ» совхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.

КОЛЛЕКТИВИМИЗ ўтган йили 1018 гектар ерга бошоқли дон экиб, 19 центнердан хирмон кўтарди. Тоғли зонада бундай даражага эришиш осон эмас, албатта. Тўрт йил давомида 6900 тонна дон етиштириб беш йиллик планни муддатдан илгари 150 процент адо этдик.

Бу йил бригадамиз аъзолари рекорд ҳосил олишга ахд қилишган. Буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини 20 центнерга етказамиз.



Барат НИЁЗОВ,
Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.

ҒАЛЛАЗОРЛАРИМИЗ тоғ ён бағрида жойлашган. Иш шароитимиз оғир ва мураккаб. Аммо, кейнигн йилларда бошоқли дон экинларидан мунтазам юқорн ҳосил олишга эришаяпмиз. Масалан, ўтган йили ҳар гектар ғаллазордан 26,3 центнердан дон йиғиштириб олдик. Тўрт йил ичида беш йиллик планга қўшимча 895 тонна дон етиштириб, амалда уч беш йиллик планни бажардик.

Режаларимиз янада юксак, шартли суғориладиган ерларда ҳосилдорликни 45 центнерга етказамиз. Бунинг учун мустаҳкам асос яратилган. Ҳамма майдонларга кузда сепилган дон униб, қишдан яхши чиқди, майсалар дуркун ривожланмоқда.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ 1 МАЙГА!

ЕТТИ КУНДА ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИНДИ

Тошкент областининг деҳқонлари чигит экишни рекорд даражада қисқа муддатда — етти иш кунида тугалладилар. Экиш экипажлари комплекс отрядларга бирлаштирилиб, иш аниқ ташкил этилганлиги натижасида ана шундай юқори суръатга эришилди. Моҳир механизаторлар ипатоволиклар усулидан фойдаланиб юксак меҳнат унумдорлигига эришишга муваффақ бўлдилар. Ҳар куни 2200 сеялка ўн гектар майдонга чигит қадади. Бу нормадагидан икки гектар кўпдир.

Барча майдонларга чигит яхши носитилган нам тупроқка экилди. Уруғлик экишдан олдин республика олимлари яратган биологик воситалар билан ишланди. Далаларнинг катта қисмида туксизлантирилган уруғ экилди. Бу сермеҳнат иш — экиларни ягоналашдан ҳалос бўлиш имконини беради. Кўпгина колхоз ва совхозларда чигит яхши униб чиқиши учун ерлар юмшатилди.

Дастлабки чигит экилган майдонларда ғўза унib чиқди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1 майгача барча пахтазорларда чигит қийғос унib чиқади.

Бутун республикада ҳам чигит экиш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ҳар куни 130 минг гектардан кўпроқ ерга уруғ қадалмоқда. Колхоз ва совхозлардаги далаларнинг учдан икки қисмига чигит экиб бўлинди. Баҳорнинг қулай келганлиги туфайли, чигит экишдаги кечикишга барҳам берилди. Деҳқонлар барча майдонларда ғўза текис унib чиқиши учун барча чораларни кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

БАЙРОҚ МУБОРАК!

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети районлар, қишлоқ, посёлка Советлари ва аҳолидан ортиқча гўшт, сут, тухум йиғиб олишни ташкил этиш ва кўпайтириш ишларини яхшилаш билан шуғулланувчилар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақанинг 1980 йил биринчи квартал якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Пискент район**iga (район партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев, район ижроия комитетининг раиси М. Х. Ҳалилов, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бошлиғи М. Холбоев, район матлубот жамияти раиси С. Соҳибов, район таъминот конторасн директори К. Раҳимов, аҳолидан сут харид қилиб олиш бўйича инспектор Ю. Лим ўртоқлар) берилди. Бу районда аҳолидан ортиқча чорва моллари ва паррандаларни харид қилиб олиш биринчи квартал плани 108,3 процент, сут бўйича 137,1 процент, тухум бўйича 105,7 процент бажарилган, ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда анча ўсиш таъминланган.

Область партия комитети, область ижроия комитети область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи Пискент районидаги халқ депутатлари **Оқтепа қишлоқ Советига** (раиси З. Деҳқонбоева) берилади. Бу ерда аҳолидан ортиқча сутларни харид қилиб олиш топшириғи 132 процент, гўшт бўйича 147 процент бажарилган, ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда анча ўсиш таъмин этилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари советининг кўчма Қизил байроғи Бўка районидаги халқ депутатлари **Ленин қишлоқ Советига** (раиси Н. Бўрихўжаев) берилади. Бу ерда аҳолидан ортиқча сутларни харид қилиб олиш топшириғи 115 процент, гўшт бўйича 131 процент бажарилган, ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда анча ўсишга эришилган.

Қуйидаги илғор тайёрловчиларга кўчма Қизил вимпеллар берилади:

— ортиқча гўштни харид қилиб тайёрлаш бўйича — ўртоқ Н. Маҳаматбековга — Тошкент район тайёрлов конторасн директори. Топшириқни 115,5 процент бажарган. Ўртоқ К. Раҳимовга — Пискент район тайёрлов конторасн директори, топшириқни 108 процент бажарган.

Ортиқча сутни тайёрлаш бўйича — ўртоқ М. Нурматовага — Паркент районидаги Заркент қишлоқ Совети сут йиғувчиси, топшириқни 127 процент бажарган. Ўртоқ А. Аҳмедовага — Оққўрғон район Октябрь қишлоқ Совети сут йиғувчиси, топшириқни 115 процент бажарган.

Ортиқча тухумни тайёрлаш бўйича — ўртоқ А. Каримовга — Ғалаба район тайёрлов конторасн тайёрловчиси, топшириқни 110 процент бажарган.

Қизил вимпел билан бир йўла ҳар бир тайёрловчига 40 сўмдан пул мукофоти берилади.

Область план бўлимига Пискент районига, Пискент районидаги халқ депутатлари Оқтепа қишлоқ Советига, Бўка район халқ депутатлари Ленин қишлоқ Советига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАР ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

ЮТУҚНИНГ ЧЕГАРАСИ БЎЛМАЙДИ

Мен кўп йиллардан буён пахтачилик бригадасига етакчилик қилиб келмоқдаман. Тажриба шуни кўрсатдики, ердан техникадан омилкорлик билан фойдаланган деҳқон йил сайин янги марраларни эгаллайверади. Бунинг учун эса қунт ва ихлос, касбга меҳр даркор.

Ўтган йили кийин об-ҳаво шароитида ҳар гектаридан 43 центнердан ошириб хирмон кўтардик. Давлатга 518 тонна «оқ олтин» етказиб бердик.

Эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилар эканмиз, ҳосилдорликни янада ошириш мумкин, деган қарорга келдик. Ана шу мақсадда кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун барча тадбирларни амалга оширдик. Пахта майдонлари чуқур шудгор қилинди. Тупроқ шароитига қараб маҳаллий ўғит ва маданий ўғит солдик. Ерни текислашга айниқса, катта эътибор бердик. Чунки ер текис бўлса, чигит экиш, ғўзани культивация қилиш ва суғориш вақтида иш осон кўчади. Кўчатлар бут бўлади.

Ҳозирги кунда деҳқонларимизнинг бутун фикри-зикри чигитнн ернинг табиий намита тўла ундириб олишга қаратилган. Механизаторларимиз Т. Худоёров, Н. Ҳайдаровлар ўз агрегатларини биринчи культивацияга шай қилиб қўйдилар.

Биз ниҳоллар кўзга ташланиши биланоқ парваришни кучайтирамиз. Ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат сақлаб қолиб, эрта ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни кўрамиз.

Яқинда матбуотда областимизнинг бир группа илғор пахтакорлари ажойиб ташаббуси билан танишдик. Биз ҳам уларнинг ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу йил 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан кам деганда 50 центнердан хирмон кўтариш учун бор тажрибамизни, маҳоратимизни ишга соламиз.

А. НАЗАРҚУЛОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи.

БИЗ ҲАМ БИР ТАН

Мен илғари бригадада ҳисобчи бўлиб ишлар эдим. Ўтган йили колхоз правлениеси менга ишонч билдириб, бригадир қилиб тайинлади. Колхозчилар, сувчилар, тракторчилар билан суҳбатлашиб, ҳосилдорликни ошириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида маслаҳатлашдик. Ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш керак! Ана шундай фикр ўртага ташланди.

Шунинг учун ҳам биз кузда ер ҳайдаш вақтида тўла гектар учун курашдик. Паст-баланд ерлар текисландн. Натижада экин майдонларн кенгайди. Экишни, ғўза парваришини, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, 36 центнердан хирмон кўтардик.

Лекин ҳосилдорликда чегара йўқ. Изланганга толе ёр, дейдилар.

Яқинда матбуотда областимизнинг бир группа илғор пахтакорлари ажойиб ташаббуси билан танишиб, биз ҳам ҳосилдорликни оширишга аҳд қилдик. Ҳар гектаридан камида 40 центнердан пахта етиштиришга сўз бердик. Ана шу мақсадда қатор агротехник тадбирлар амалга оширилди. Ерни экишга яхши тайёрладик. Далага 800 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Бороналанган, кафтдек қилиб текисланган ерларга уруғ қададик. Бу ишни қисқа муддатда тугалладик. Ҳозир ниҳоллар кўзга ташланмоқда. Механизаторимиз Исом Рустамов шу кунларда биринчи ишловга тайёргарлик кўраётир.

Биз элга берган сўзимизнинг уддасидан чиқиш учун барча майдонларда чигитни бир текис унидириб олиб, йиғим-терим мавсуми бошланғунга қадар ҳар гектарда камида 120—130 минг туп ҳўчат сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

Х. СУЛТОНОВ,
Янгиюл районидаги «Ленинизм» колхози бригада бошлиғи.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

БИР ЯРИМ НОРМА БАЖАРИШАДИ

Боғу — ҳиёбонлар баҳор гулларига бурканган кунларда катта-кичик 19 апрель — Коммунистик шанбаликка алоҳида шукуҳ билан тайёргарлик кўраяпти. Ҳамманинг ниятн умумхалқ ҳашарида актив иштирок этиш, буюк починнинг жанговар анъаналарини шараф билан давом эттиришдир.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли 3-автоколонна коллективи ҳам меҳнат байрамига пухта тайёргарлик кўраяпти. Қизил шанбаликда юз тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтқазиладн, ободончилик ишлари олиб борилади.

— Шанбаликни ҳақиқий меҳнат байрамига айлантирамиз,— дейди колонна бошлиғи Қ. Азимбоев,—кўпчиликнинг кучи билан маҳсус текширув ҳандаги қурилади. Бу иш ҳар куни машиналарни рейсга пухта текшириб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бўлимларда бир қатор ташкилий-жиҳозлаш ишлари адо этилади. Мазкур тадбирларни амалга ошириш туфайли йил давомида машиналарни пухта ремонт қилишда бир қанча қулайликлар яратилади.

Колонна усталари ва шофёрлари шу куни юксак самарадорликка эришишга қатъий аҳд қилишган. Бош механик У. Ҳақназаров бошлиқ бир группа слесарлар меҳнат байрамида оғир ремонт талаб бўлган енгил машинани тузатиб, рейсга йўлланма берадилар. Слесарлардан У. Абдуллаев, А. Шодиев, М. Баҳромовлар кунлик нормаларнни бир ярим нормага ошириб бажаришга қарор қилишган.

БИЛДИРИШ

Илгари берилган ахборотга ўзгартиш киритилганлиги муносабати билан шуни маълум қиламизки, Тошкент область журналистлар ташкилоти пленуми 1980 йил 29 апрель соат 11 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг мажлислар залида (4-қават) ўтказилади.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАҚА № 4 (206)

ГРУППАЛАР ЖАНГОВАРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Партия ва ҳукуматимиз халқ контроли органлари ишини такомиллаштиришга йил сайин катта эътибор бериб келмоқдалар. СССР Олий Совети сессиясида халқ контроли тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бу фикримизнинг далилидир.

Халқ контроли органлари қарорлар ижросини таъминлашда, социалистик ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлашда, экономикани ривожлантиришда партия ва совет ташкилотларига актив ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Улар давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлашга самарали таъсир ўтказмоқдалар.

Ҳозирги кунда районимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва хўжаликларида 95 та халқ контроли группаси ва 270 та халқ контроли пости ишлаб турибди. Улар сафига салкам 2 минг жамоатчи бирлашган. Халқ контроли органларида фидокорона меҳнат қилаётган назоратчиларнинг 659 нафари коммунистлардир. Группа ва постларга сиёсий жиҳатдан чиниққан, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Уларнинг аксарияти бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосарлари, партком ва партбюро аъзоларидир.

Халқ контроли группаси ва постларига раҳбарликни яхшилаш мақсадида район халқ контроли комитетида 8 та штатсиз бўлим тузилди. 84 штатсиз инспектор бу бўлимлар ўтказаётган тадбирларда актив иштирок этмоқдалар, бевосита жойларда бўлиб группа ва пост ишларини намунали ташкил этишда кўмаклашмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари группа ва постлар бажараётган ишларни мунтазам кузатиб турибдилар. Партком ва партбюро мажлисларида группа ва пост раисларининг ҳисоботлари тинглаб борилмоқда, уларга йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда. Район партия комитети ҳам бу масала билан жиддий шуғулланмоқда. Кейинги йилларда райком бюролларида халқ контроли органлари ишини такомиллаштиришга қаратилган 11 та масала муҳокама қилинди. Айрим группалар ташаббусни ўрганиб, тажрибалари кенг оммалаштирилди.

Районимизда самарали иш олиб бораётган группа ва постлар оз эмас. «Бўка» совхозида ташкил этилган группа ва постларга 133 назоратчи аъзодир. Группанинг 5 та секцияси бор. Группа аъзолари ўтган йили 35 та рейд ўтказишди. Рейдлар давомида пахтачиликни ривожлантириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, маданий-маиший хизмат кўламини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар кўздан кечирилди. Текширув ва рейдлар олдиндан тузиб олинган иш планини асосида ўтказилмоқда. Кейинги пайтда улар техника ремонти сифати, минерал ўғитларни сақлаш, ерларни экиш мавсумига тайёрлаш, экишни сифатли ўтказиш бўйича қатор самарали рейдлар ўтказдилар. Рейд якунлари группа йиғилишларида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари белгиланди.

«Коммунизм» колхози халқ контроли группаси аъзолари ҳам хўжаликни комплекс ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. 51 назоратчининг ҳаммаси ишлаб чиқаришда илғор, принципиал кишилардир. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, ердан самарали фойдаланиш бўйича рейдлар ўтказиб, колхоз партия ташкилоти ва правлениесига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Группа аъзолари ўз вазифаларини пухта биладилар. Улар бешта секцияга бўлинган ҳолда турли соҳаларни назорат қилиб турибдилар. Ўтган йили ўтказилган рейд якунлари 6 марта партком мажлисида, 5 марта колхоз правлениеси йиғилишида муҳокама қилинди. Йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Ҳозирги кунда назоратчилар чигит экишни сифатли ўтказиш, ҳосилдорликни ошириш соҳасида кўп иш қилишлари керак.

Бошқа соҳаларда ҳам бир талай резервлар бор. Кўпгина хўжаликларда минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишга ҳамон эътиборсизлик билан қараляпти. Ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаяпти. Назоратчилар асосий эътиборни мавжуд резервларни қидириб топишга ва уларни ишга солишга, ҳар бир тармоқни кенг кўламда ривожлантиришга қаратмоқлари зарур.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари назоратчилари ҳам катта вазифалар олдида турибдилар. Улар учун иш сифати ва самарадорлигини ошириш биринчи галдаги вазифадир. Лекин саноатчилар ва қурувчилар ишни ҳозирча талаб даражасида деб бўлмайди. Ўтган йилнинг ўзида 4-кўчма механизациялашган колонна қурувчиларининг айби билан Бўка қишлоқ хўжалик техникумининг ўқув корпуси, 600 та автомашина ремонт қилинадиган устахона, 600 ўринли санъат саройи, 1000 квадрат метр турар-жой ўз муддатида фойдаланишга топширилмай қолди. 93-кўчма механизациялашган колонна ҳам объектларни ўз вақтида ишга туширмаяпти. Бу ташкилотлардаги назоратчилар мавжуд резервларни ишга солишга, техника ва механизмлардан унумли фойдаланишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Бундай аҳволни бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Назоратчилар хўжасизликка, талон-тарожликка қарши курашда яна ҳам активлик кўрсатишлари лозим. Улар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг доимий комиссиялари, комсомол прожектори штаблари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказишлари, аниқланган нуқсонларни биргалашиб бартараф этиш чораларини кўришлари керак.

СССРда халқ контроли тўғрисида қабул қилинган қонун асосида социалистик демократияни янада чуқурлаштириш, халқ назоратининг барча звеноларида ҳақиқий партиявий иш услубини вужудга келтириш муҳим вазифалардандир. Район халқ контроли органлари яхши талаблар асосида ўз ишларини янада такомиллаштирадилар ва юксак мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда маҳаллий партия ва совет ташкилотларига амалий ёрдамларини аямайдилар.

М. АҲМАДЖОНОВ,
Бўка район партия комитетининг иккинчи секретари.

НАЗОРАТГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ



Шу куиларда халқ контроли группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Йиғилишларда сайловдан-сайловгача бажарилган ишларга якун ясалиб, янги режалар белгилаб олинмоқда. Иш тажрибалари, умумлаштирилиб, янги состав зиммасига конкрет вазифалар юкланмоқда.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Металл конструкциялари заводи халқ контроли бош группаси составида ҳозир 24 аъзо бор. Цехлар ва завод бошқармасида эса 7 та халқ контроли пости тузилган бўлиб, улар ўз атрофига 40 кишини бирлаштирган.

Корхона назоратчилари ҳар йили турли соҳаларда кўпдан-кўп текширишлар ўтказиб келмоқдалар. Рейдлар ва текширишлар маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашёни тежаш ва ишчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиб беришда яхши самаралар бермоқда.

Корхонада тежамкорлик ҳаракати, айниқса кенг қулоч ёйган. Ўтган, йил мобайнида 1500 тонна металл прокати, 554 минг киловатт-соат электр қуввати, 157 тонна шартли ёқилғи, 430 гекакалорий иссиқлик энергияси, 11 тонна электрод, 38 тонна пайвандлаш сими иқтисод қилинди. Тежамкорлар бу йил ҳам фидокорлик кўрсатмоқдалар, йилни янги меҳнат мусобақаси шиорлари остида кутиб олишни муддатидан илгари бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Завод 1979 йил 5 ноябрда 4 йиллик планни бажариб, беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган эди. Коллектив ўз зиммасига 1980 йил планини Октябрь байрамигача бажаришдек юксак мажбурият олган.

Ана шу мусобақа мажбуриятларида завод назоратчиларининг жуда катта ҳиссаси бор, албатта. Корхона халқ контроли группасининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган группа раиси Н. Ларионова бу ютуқларни алоҳида таъкидлади.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар завод назоратчилари ишига муносиб баҳо бериш билан бирга келгусида халқ контроли органлари фаолиятини янада юқори босқичга кўтаришга ёрдам берувчи фикр-мулоҳазаларини ҳам ўртага ташладилар.

Йиғилишда халқ контроли группасининг янги состави сайланди.

Н. ҲИКМАТОВ,
Чиғириқ посёлкаси.

СУВ ЎРНИГА ВАЪДАЛАР

Бундан тўрт йил муқаддам Р. Абдураҳмонов номли совхознинг 2-бўлимида истиқомат қилувчиларнинг хурсандчиликдан бошлари осмонга етган эди. Сабаби, хонадонлар водопроводлаштирилиб, аҳоли зилол сувдан баҳраманд бўла бошлади. Бироқ бу севинч узоққа бормади. Кўп ўтмай водопровод суви кундуз кунлари тақа-тақ тўхтаб, фақатгина кечалари оқадиган қилиқ чиқарди.

Одамлар нолиш бунга ҳам кўникишди. Лекин қишда водопровод суви тамоман тўхтаб қолди.

Ўшандан буён эски ҳаммом, эски тос, Дам ўтмай яна жонга ариқ ва ҳовуз сувлари ора кираяпти.

Шикоят қилиб борганларга «Бу бўлим баландроқда жойлашганлиги туфайли босим қуввати етишмаяпти. Уни ошириб, албатта сув чиқарамиз» деган қуюқ ваъдани беришгани беришган. Газетангиз орқали совхоз директорияси ва Тошкент район сув хўжалиги мутахассисларидан ваъдалар қачон бажарилишини сўраб берсангиз.

Бўлим ишчи-хизматчилари номидан.

И. ҚОБИЛОВ.

ПОСТДА СЕРГАК

Колхозимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йилида фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишлаб, қувончли ютуқларни қўлга киритган эдилар. Давлатга 5209 тонна пахта, кўп миқдорда каноп, шоли, пилла ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилди. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида олинган план ва мажбуриятлар ошириб адо этилди. Бу муваффақиятларда халқ назоратчиларининг ҳам муносиб улуши борлигидан фахрланамиз.

Пахтачилик бригадалари, ферма, қурилиш ва колхоз машина-трактор паркида тузилган пост аъзолари камчиликларни аниқлаш ва уларни тезда бартараф этишда хушёрлик ва уюшқоқлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир ана шундай 24 пост ишлаб турибди.

Ўтган мавсум халқ контроли группасининг 117 аъзоси ва жойлардаги актвларимиз кўмагида 31 марта рейд ва текширишлар ўтказдик. Уларнинг якуни правление йиғилишлари, партия ташкилоти мажлисларида муҳокама этилди, йўл қўйилган нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан ўтказилган рейд айниқса яхши самара берди. Текшириш натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилишда қимматли таклифлар киритилди. Ҳар бир машина учун ёнилғи-мойлаш материаллари бажариладиган ишга қараб қатъий лимитлаштириб қўйилди. Натижа қувончли бўлди. Бир йилда 15 тонна ёқилғи тежаб қолинди.

Ўтган йил группа қошида янги сектор ташкил қилдик. Унинг вазифаси танқиднинг таъсирчанлиги ва ошкоралигини таъминлаш; халқ контролининг жанговарлигини оширишдан иборатдир. Янги сектор ташкил топиши билан «Ташвишли сигнал» деворий газетаси, халқ назорати плакатлари мунтазам чиқа бошлади. Жумладан, расмли плакатларда илғорлар мақталиб, қолоқлар изза қилинади. Фото-айбномалар танқиднинг таъсир кучини айниқса оширди.

Хўжалигимиз назоратчилари бу йил ҳам актив фаолият кўрсатмоқдалар. Шу кунгача техника ремонти ва унинг сифати; минерал ўғитларни сақлаш, суғориш тармоқларини тартибга солиш юзасидан 15 дан ортиқ рейд ва текширишлар ўтказилди.

Чорвачилик фермасининг иши ҳам назоратчиларимиз диққат эътиборидадир. Бош зоотехник Николай Лан ва ветврач Шароф Содиқовлар раҳбарлигидаги беш кишилик комиссия ҳар ўн кунда фермаларга рейд уюштириб келяпти.

Чигит экиш мавсуми бошланиши билан халқ контроли группаси қошида оператив штаб ташкил этилди. Уни уста пахтакор Маҳмуд Тешабоев бошқаряпти. Штабга мутахассислардан иборат етти киши уюшган. Улар чигит экишни тез ва сифатли ўтказишни назорат қилдилар. Шу кунларда назоратчиларимиз жанговар постларида ҳушёр турибдилар.

В. ЦОЙ.
Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

МИНЕРАЛ ЎҒИТ ИСРОФ БЎЛМАСИН

Минерал ўғит ер дармони, ҳосил баракаси. Ишнинг кўзини билган хўжалик раҳбарлари минерал ўғитларни намунали сақлаб, вақтида экинларни озиқлантириб, йил сайин мўл ҳосил олмоқдалар. Лекин областимиздаги ҳамма хўжаликларда ҳам минерал ўғитлар самарадорлигини оширишга, улардан рационал фойдаланишга эътибор билан қараляпти деб бўлмайди. Кўпгина колхоз ва совхозлар минерал ўғитлар сақланадиган омборларга эга эмас. Ташиб келтирилган ўғитлар очиқ ҳавода, ноқулай жойларда сақланиб сифати бузилмоқда.

Ўтган йили колхоз ва совхозларда минерал ўғитлар сақланадиган омборлар қуриш учун 242 минг сўмлик капитал маблағ ажратилган эди. Лекин хўжалик раҳбарларининг ҳафсаласизлиги туфайли маблағнинг атиги 115 минг сўмлиги ўзлаштирилди холос. «Ташсадвинсоюз» трести хўжаликларида эса қурилишига ҳатто қўл ҳам урилмади.

«Узгоскомсельхозтехника» область бирлашмаси ҳам минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар сақлаш учун механизациялашган омборлар қурилишини ниҳоятда суст олиб бораяпти. Ўтган йили қурилиш учун 400 минг сўмлик капитал маблағ ажратилди. Лекин уларнинг каттагина қисми ўзлаштирилмай қолди. Бу йил ҳам минерал ўғитлар ва заҳарли химикатлар сақланадиган омборлар қурилиши учун 850 минг сўмлик маблағ ажратилган. Ўтган ойларда шу маблағларнинг 14 минг сўмлиги ўзлаштирилди, холос.

Бир қатор хўжаликларда омборлар умуман йўқ, уларни қуриш тўғрисида ҳеч ким бош ҳам қотирмаяпти. Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози раҳбарлари ўғит сақланадиган омбор яратиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларига эга бўла туриб, 1978 йилдан бери қурилиши асоссиз равишда чўзиб келмоқдалар. Омборнинг йўқлиги учун ҳам бу йил ташиб келтирилган 480 тоннадан ортиқ ўғит ноқулай жойларда сақланиб ҳозир унинг бир қисми яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу билан давлатга 320 сўмлик моддий зарар келтирилди.

Галаба районидаги Волков номли совхозда ҳам минерал ўғитларни сақлашга эътиборсизлик билан қараляпти. Айвонлар томидан томган чакка 30 тонна аммофос сифатини бузган. Кўпгина миқдордаги суперфосфат яроқсиз бўлиб қолган. Хўжасизлик туфайли совхоз 630 сўмлик зарар кўрди.

Область халқ контроли комитети йиғилишида минерал ўғитларни сақлашга эътиборсизлик билан қараётган хўжаликларнинг раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. «Маданият» колхози раиси М. Л. Пугачева ва Волков номли совхоз бош агрономи У. Мажидовга виговор эълон қилинди. У. Мажидовга 120 сўм миқдорида жарима ҳам солинди.

МЕТАЛЛ — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Назоратчилар Тошкент сув қувурлари арматураси ва ностандарт ускуналар заводи раҳбарларининг «хотамтойлигига» ҳайрон қолишди. Завод раҳбарлари ўтган йили турли корхоналарга 693 тонна металл прокатини бериб юборишган эди. Корхонада металл прокатининг ҳисоб-китоби йўқ. Омбор мудирлари металлни сақлаш қоидаларидан мутлақо бехабар. Шундай бўлгандан кейин ким қанча хоҳласа шунча металлни олиб кетаверган. Пировардида ўтган йили 38 минг сўмлик материал ортиқча сарф бўлди.

«Водремстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бош заводда ҳам металл прокатини иқтисод қилиш бўйича белгиланган тадбирлар бажарилмай келинаяпти. Моддий ресурсларни иқтисод қилиш бўйича берилган ҳисоботларда металл прокати ҳатто тилга ҳам олинмаган. Ваҳоланки, ўтган йили ҳар хил буюмлар ишлаб чиқариш учун кўплаб металл прокати сарф бўлган эди.

Корхонага келиб, кўнглингиз истаган буюмга буюртма беришингиз мумкин. Ҳақини келишсангиз бас, дарҳол илтимосингиз қондириладн.Ўтган йили четдан олинган буюртмани бажариш учун 30 тонна металл сарф бўлди. Шундай аҳволни «Ташоблмелиоводстрой», бошқармасига қарашли кўчма механизациялашган колоннада ҳам кўриш мумкин. Колоннада металлар сарфиётн ҳисоб-китоб қилинмайди, ортиқча ҳаражатлар сабабн ўрганилмайди. Область халқ контроли комитети йиғилишида металлни ортиқча сарфлаётган корхона раҳбарлари тегишли жазоларини олдилар.

ТАДБИРЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Бўстонлиқ райони меҳнаткашлари жамоат чорвачилигини ривожлантиришда актив иштирок этиб келмоқдалар. Ўтган йили улар 50,9 минг тонна дағал хашак жамғариб, бу соҳадаги топшириқни 13 процент ортиғи билан бажардилар.

Район меҳнаткашлари бу йил жамғариладиган озуқани янада кўпайтириш мажбуриятини олганлар. Назоратчилар бу вазифанинг бажарилишини таъминлашда актив иштирок этишга қарор қилдилар. Район халқ контроли комитети белгиланган тадбирларда мавсум давомида бажариш лозим бўлган вазифалар конкрет кўрсатилган.

Тадбирлар бўйича хўжаликлар беда уруғлиги билан тўла таъминланди. Ўтказилган рейдларда экишнинг сифати алоҳида назорат қилинди. Бундан буён ҳам назоратчилар бевосита дала бошида бўлиб, дағал озуқа жамғариш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, уларни сифатли парвариш қилиш бўйича деҳқончиларга ва чорвадорларга яқиндан ёрдам берадилар. Область халқ контроли комитети йиғилишида бу тадбирлар маъқулланди.

Йиғилишда шунингдек, Оржоникидзе район халқ контроли комитети тадбирлари ҳам маъқулланди. Бу тадбирларда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш соҳасидаги вазифалар конкрет белгиланган эди. Бу йил район меҳнаткашлари 7,6 минг тонна ғалла, 85 минг тонна сабзавот, 14 минг тонна картошка, 15 минг тонна мева ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришга аҳд қилганлар.

Назоратчилар йил бошиданоқ бу мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини кузатиб турибдилар. Улар экин экиш, минерал ўғитларни сақлаш ва фойдаланиш, парвариш сифатини ошириш бўйича планли рейдлар ўтказмоқдалар.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Ҳопажон, аризангизни кўриб чиқиш ярим минутлик иш. Лекин сизга бир ойсиз жавоб беролмаймиз.



— Бобой, битта чуқурга нега учта кўчат экяпсиз?

— Биринн эчки еса, ҳопинаҳой иккинчисини сен синдирасан. Учинчиси ўсиб кетса, ажаб эмас.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

АНГРЕНДА ДУВ-ДУВ ГАП

Гулсум ая девор-дармиён қўшниси Ҳамробуви билан оппоқ бўлиб гуллаган ўрикнинг соясида суҳбат қуриб ўтиришарди.

— Эгачи, хўб замонлар бўлди-да. Қудратингдан ўргулай, илгари бир янгилик бўлса ёқа ушлаб ишонмас эдик. Энди бўлса...

— Нима гап бўлса оламдан бурун сиз эшитасиз-да. Гапингизнинг раъйидан яна бир ваҳмани топиб келдингизов, — Ҳамробуви пешонабогини қаттиқроқ танғиркан ҳазил аралаш гап қотди.

— Болаларим мактабга борганда алламаҳалгача арифметика ўқирди. Набираларим энди ҳарф танир-танимас математикадан мисол ечаман дейишади. Энди боғчада болалар бир қўли билан овқат еб, иккинчи қўли билан масала ечармиш, кимё ўқирмиш-а?

— Бо-о, сизни кўтарсин, сал эпақали гапни айтинг. Ғўра қун саналмай халвога айланурми?!

— Йўқ нарсага оғиз жуфтлаш зарил кептими? Ана Саврининг набираси шаҳримиздаги институтни битирибди боғчага ишга кирибди-ку.

— Ҳа, я, Муаззам бирга ўқиган анаси кўхликкина ўртоғи билан яслида бола боқиб ўтирибди дейишаётувди, гапингиз ҳаққоқ ростга ўхшайди.

Гулсум ая гапда ютиб чиққанидан хурсанд бўлиб, қаддини ростлади-да, ечилиб кетди.

— Область пединститути борган сайин жуда катталашаяпти шекилли уни битирганлар боқча, мактаб қолиб завод, фабрикаларда ҳам ишлашаяпти-я.

Бу гапда жон бор эди. Статистика бошқармаси берган маълумотга қараганда Ангрен шаҳар корхоналарининг ўзида 41 педагог, шу жумладан 26 киши «Резинотехника» заводида ишлаяпти.

Айтайлик, сиз боғбондан узум кўчати сўрадингиз. Лекин у терак кўчати юборди. Турган гап, оғринасиз. Таъбир жоиз бўлса область педагогика институти раҳбарлари ҳам шундай қилишаяпти. Ангрен шаҳар маориф бўлими педагогика институтидан физика, химия, ашула ва расмчилик бўйича мутахассислар сўраган бўлса, институт раҳбарлари тамоман бошқа фанлар бўйича кадрлар юборишаяпти. 1978—1979 йилларда Янгийўл шаҳар маориф бўлимига математика ўқитувчиларидан тақсимотда белгиланган олти киши ўрнига уч, худди шу вақтда Ғалаба район ига мазкур фан бўйича уч киши ўрнига ўн тўрт ёш ўқитувчига йўлланма берилди. Бекобод районига кейинги икки йил ичида химия, биология, меҳнат тарбияси бўйича бирорта ҳам ўқитувчи юборилмади. Натижада айрим жойларда ўқитувчилар бошқа ихтисосликдан дарс беришга мажбур бўлишаяпти.

Институт раҳбарлари эса енгилнинг тагида, оғирнинг устида, деганларидек бундай ташвишлар билан ишлари йўқ, парволари палак. 1979 йил институтни битирган 227 ёш кадрнинг 55 нафари, шу жумладан, Тошкент областидан 40 киши тақсимот бўйича тайин этилган жойларга боришмади, лекин олий ўқув юрти мутасаддилари Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига берилган ҳисоботда институтни битирган йигит-қизларнинг ҳаммаси иш жойига етиб борди, деб тагига жимжимадор имзо чекишни унутмадилар. «Иш» деган бундай бўлибди-да. Министрлик бу қоғозни олиб область педагогика институтининг бу даражадаги «юксак ишини» алоҳида таъкидлаб юқори баҳолади.

Наҳотки, бу ҳангомалардан область халқ маорифи бўлими бехабар бўлса.

Область халқ маорифи бўлимида ёш кадрларни ишга тақсимлаш ва ўша жойларда ишлаб қолишларини таъминлаш, шаҳар ҳамда районларга ёш ўқитувчиларни юбориш бўйича план тузишга негадир эҳтиёжлар ҳисобга олинмайди.

1979 йилнинг ўзида Тошкент Давлат университетидан 22, Ҳамза номли музика билим юртидан 21 ва республика музика билим юртидан 25 ёш кадрнинг иш жойига келмаганлиги ана шундай «фаолиятнинг «самараси» эмасмикан. Хуллас, ҳаммаёқда дув-дув гап. Ёш кадрлар оворагарсарсон, область халқ маорифи бўлими эса уларнинг қаердалигидан ҳамон бехабар.

Б. ПЎЛАТОВ.

БИР ҚИЁ БОҚИНГ

Тошкентдаги Марказ-14 микрорайони қурилганига анчагина вақт бўлиб қолди. Дастлабки йиллар уйларга олиб борувчи йўллар текис ва равон эди. Ҳеч ким қийналмасди.

Орадан йиллар ўтиши билан йўллар узра «кўллар» пайдо бўлди. Ҳозир машиналар у ёқда турсин, одамларнинг ўзлари ҳам ўиқир-чўқир йўлларда аранг юриб ўтишади. Айниқса, 6, 4, 10, 9-уйларга олиб борувчи йўллар хароб. Аҳмад Дониш кўчасига олиб чиқувчи йўл эса ҳатто асфальтланмаган.

Йўллар майли-я, эндиликда болалар ўйнайдиган майдончаларнинг ҳолига ҳам маймунлар йиғлайди. Ўтган йили 6-уй олдидаги болалар майдончаси бўйлаб кабель ўтказилди. Иш битди-ю лекин майдонча текисланмай, ўз ҳолига ташлаб кетилди. Болалар энди қаерда ўйнаб ҳордиқ чиқаришга ҳайрон бўлишаяпти. Ўйилган майдончани асли ҳолига келтириш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти.

Сув йўллари ҳам ремонталабдир. Аҳён-аҳёнда оқиб келадиган сув ҳамма ёққа тошиб, одамларни безор қилади. Ўтган гал сув 6-уй подвалига ҳам тушиб кетди. Ҳозир вақт ғанимат. Ирригация шаҳобчаларини яна бир бор кўздан кечириб чиқиш, сувларнинг равон оқишини таъминлаш лозим.

Микрорайонимизда бундай ноҳушликлар оз эмас. Кечасилари теварак-атроф ёритилмайди. Кечки сменадан қайтаётган ишчи ва хизматчилар қоронғи йўлкалардан юракларини ҳовучлаб ўтадилар. Тун пардасида ҳар хил ноҳуш ҳоллар ҳам рўй бериб турибди.

Октябрь район ижроия комитети ва унинг ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари микрорайондаги бу аҳволдан воқиф бўлсалар-да, ўзларини билмасликка олиб юришибди. Наҳотки, 10—12 йил муқаддам қурилган йўл ва тротуарларни ремонт қилиш вақти етмаган бўлса?!

С. МУСАХЎЖАЕВА,
ўқитувчи.

ОДАМИЙЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Воҳид ЗОҲИДОВ,
академик

ҲАЁТ ва тараққиётнинг асоси — меҳнат, дейдилар. Ҳақ гап. Ҳамма гап меҳнатдадир, барча яхшиликлар меҳнатдан бошланади, бахт-саодат меҳнатдан унади, дейдилар. Ҳақ гап. Барча гўзал ва чиң инсоний фазилатлар ҳам меҳнатдан бошланади, меҳнатда шаклланади, тобланади, синалади, дейдилар. Ҳақ гап. Беҳисоб моддий ва маънавий мўъжизалар яратдинган, шон-шуҳрат келтирадиган ҳам меҳнат, дейдилар. Ҳақ гап. Масалан, республикамизнинг моддий ва маънавий қиёфасини белгилайдиган салкам олти миллион тонна «оқ олтин» меҳнатдан яралган мўъжизалардандир. Бу ҳам том ҳақиқат.

Ахир, халқимиз бекорга айтмаган:
Инсон қўли — гул.
Меҳнат бахт калитидир.
Тер чиққандан жон чиқмас,
Овчининг зўри шер отар,
Ингитининг зўри ер очар.
Одамнинг ҳусни меҳнатда.
Олиб қочгунча, сочиб қоч.
Ишламаганнинг оғзи ошга етар,
Ишламаганнинг боши тошга тегар.
Дарё сувини баҳор тоширар,
Одам қадрини меҳнат оширар.
Олтин ўтда билинар,
Одам меҳнатда.

Бу сўзлар халқ даҳоси қаймоғидир, асрлар тажрибаси ҳикматидир.

Ҳа, энг улуғ ва энг халқчил инқилоб бошлаган геннал Маркс ва Ленин таълимотлари, шу асосда совет халқлари яратаётган мустасно қўркам янги тарих ҳамда ҳаёт меҳнатдандир, инсонга бўлган муҳаббатдандир, антиинсоний нарсага қаршн қаратилган нафратдандир. Мана, 35 йил Ватанимизда барқарор бўлиб келаётган тинчлик ва фаровонлигимиз, уришқоқ ёвларни жиловлаб келаётганлигимиз меҳнатдандир.

Асло ўчмас Рафаэль ва Рембрант бўёқлари олами, Фирдавсий «Шоҳнома»си ва Низомий «Ҳамса»си, Шекспир дурдоналари ва Навоий ҳазинаси, Толстой ва Горький дунёси, чўнг Шашмақом тароналари ва Чайковский, Бетховен қўнлари, башарият ҳаёти тақдири ҳал қилишга қодир фан ютуқлари ва кашф этилган Зуҳро сирлари, чўнг ҳайратланарли Ленинград ва афсонамиз Самарқанд меъморлик обидалари... Эҳ-ҳе, ҳаммасини айтиб бўладими ахир?!

Ҳаммаси, ҳаммаси ўша меҳнатдан!

Биз жуда кўп қон тўкиб ва олов кечиб, паразитизм асосига қурилган тузумни енгиб озод меҳнатга эга бўлдик, жуда кўп қон тўкиб ва олов кечиб, озод меҳнатни душманлар хуружидан сақлаб қолдик, жуда кўп ҳаракат ва ҳаражат қилиб, шу озод меҳнатни борган сари енгиллатиб ва маҳсулдор қилиб келмоқдамиз, токи Ватанимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги тўхтовсиз ошаверсин. Барча муваффақиятларимизнинг ташкилотчиси бўлган партиямиз совет қишиларини мана шу ажойиб ва халқчил меҳнат руҳида тарбиялашга ҳамиша зўр эътибор бериб келмоқда. Бу ҳақиқатан улкан натижалар ҳам берди.

УЛУҒ Октябрдан кейинги барча юташли ва ижодкор йиллар мобайнида, гоят ҳаққоний ва халқоний қонун-қоида — «ишламаган тишламайди»— жорий этилиши оқибатида бизда социал воқелик тубдан ўзгариб кетди. Жанг майдонларида, шаҳар ва қишлоқларда, завод ва фабрикаларда, маданият ўчоқлари ва шифохоналарда, ҳар ерда ва ҳар соҳада миллион-миллион ажойиб катта ва ёш совет одамларининг фидокорона ҳамда маҳсулдор меҳнати бутун тарихда тенги йўқ мўъжизалар яратди, бепоён мамлакатимизни бутун дунёда энг гўзал, энг қудратли ва энг бахтиёр диёрга айлантирди.

Бинобарин, шундай меҳнатни севмай, уни муқаддас деб ҳисобламай ва у билан максимал суратда машғул бўлмай бўладими? Бу Ватан ва халқ олдидаги виждон, шон ҳамда бурчдир-ку!

Шуниси ҳам бор: империализм умумий қирон келтирадиган қуроллар ва иғволар ила инсоният ҳаёти ҳамда цивилизациясига таҳдид солмоқда. Бизда қерқирра меҳнат шу қирониинг олдини олишга ҳам қаратилгандир. Бинобарин, шундай меҳнатни севмай, уни муқаддас демай, у билан максимал суратда машғул бўлмай бўладими, ахир! Башарият олдидаги виждон иши ҳамда вазифасидир-ку!

Империалистик мамлакатларда халқ ҳаёти, меҳнат аҳли аҳволи гоят оғир. Газеталарнинг бирида шундай хабарга кўзим тушиб қолди:

«Икки оддий америкалик одамнинг бири солиқ маҳкамасига солиқ пули урнига ўз қўйлагини, бошқаси эса ўзининг сунъий тишини юборди. Бу билан одамларнинг бирнси «солиқ тўлашга охирги қўйлагимдан бошқа нарсам қолмади, демоқчи, иккинчиси эса, «ейишга овқат бўлмагани учун тиш ҳам ўз зарурлигини йўқотди» демоқчи».

Шундай бўлганда кейин, биздаги бахтиёр халқнинг озод меҳнатини севиш, уни муқаддас деб, у билан максимал суратда машғул бўлиш буюк саодатдир, ахир! Одамийлик олдидаги виждон ва шон-шараф иши ҳамдир!

Шуниси ҳам бор. Чин инсонпарвар, халқпарвар ва ватанпарвар меҳнат билан машғул бўлувчига ҳар қандай ярамас иллатлар, инсон номига исиод келқаранг, унга яхшилаб разм солиб кўринг-а! Жуфт мусичa ва ё жуфт қалдирғоч қаерлардан битталаб чўп, лой ташийди ва шундай қилиб ҳаёт масканини яратади, ҳаётни давом эттиради!..

Хуллас, меҳнат бебаҳо нарсадир, чексиз ажойиб фазилатдир, беҳисоб мўъжизакор қудратдир.

Шу билан алоқадор тарзда, ниҳоят, масаланинг яна бир ғоят муҳим томонини таъкидлаб ўтиш зарур. Хусусан бизнинг илмий-техника инқилоби юз бериб турган замонамизда меҳнат ва билим, фан, техника гўзал узвий бирликни ташкил этади. Шундай бирликни талаб қилади. Ахир, меҳнат енгиллатилган ва унумдор бўлсин ҳам дейилади, унинг гузаллиги, шавқи, завқи, романтикаси ва эстетикаси ҳам бор-ку! У инсон ақлини чархлайди, дили ва ҳаётини безайди, хулқини олижаноб қилади, одамни олам ҳукмдорига айлантиради, ахир!

Гапни чўзиб утирмасдан, геннал ёзувчи, меҳнатни куйлаган, энг қўркам инсоний фазилатларни эъзозлаган ва ярамас иллатларга қаршн олов очган Алексей Максимович Горькийнинг ўз гоят севимли ёш ўғлига юборган мактубидан қуйидагн парчани келтириб қуяқолай:

«Онангнинг менга ёзишича, сен энди чечак тераётган эмишсан — жуда соз! Бу соғлом, ёқимли ва жуда ақлли ишдир. Сен ботаника билан пича танишиб олишинг лозим...

Сен бу фан билан таништанингдан сўнг чечаклар сен учун яна ҳам чиройли бўладилар: кўрасанки, улар жонли нарсалардир; тушунасанки, ҳаёт ҳамма ерда бор, ҳар тарафдан сени қуршаб олган, сенинг ўзинг ҳаётнинг ёркин, шодиёна оқими билан ўраб олингансан; билиб оласанки, сен инсон — мана шу беҳад ва сон-саноқсиз ҳаёт оқимида энг яхшиси, энг гўзали ва энг ақллисисан.

Ҳаёт оқимига қанчалик чуқур қарасанг, қанчалик кўп билсанг-тушунсанг, сенинг руҳинг, сенинг ақлинг шунча бой бўлади, сен ўзингни шундай тоғ чўққисида кўрасанки, ундан туриб қарасанг, ажойиб манзара қулоч ёзиб, қучоқ очиб кўз ўнгингда гавдаланади, жилваланади, ундагининг барчаси сенникидир.

Мана, гап қаерда, нимада, менинг севимли жажжигина ўғилчам».

Нақадар ажойиб, меҳрибонона ва самимий сўзлар!...

Албатта, бу ерда чечак ва ботаника билимлари рамзий маънода ҳамдир. Айниқса ҳозирги даврда меҳнат ниҳоят даражада кўп соҳали ва мураккаб бўлиб кетди, уни аксар ҳолларда илмий ва техникавий билимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, давримизнинг шу талабларига етарли жавоб бермоқ меҳнатчиларнинг янада кўркам, баркамол бўлишини, меҳнатнинг ўзини эса унумдор ва чиройли бўлишини таъмин этади.

ХУЛЛАС, соғлом одам аввало меҳнат ва билим билан одам. Меҳнат ва билим эса чўнг, серқирра ва хилма-хилдир. Бугдой қадаш ва пахта етиштириш, металл эритиш ва конпотни забт этиш, янги ихтиро қилиш ва машина яратиш, китоб ва музнка ижод қилиш, бошқаларга яхшилик қилиш ва ёрдам бериш. Қолаверса, революция қилиш ва жамиятда социал тўнтариш ясаш ҳам меҳнат ва билимдандир. Шу меҳнат ва билим туфайли ҳар томондан, ҳулқий ва жисмоний жиҳатлардан гўзал ҳамда баркамол одам шаклланади, равнақ топади. Шу меҳнат ва билим қанотларида парвоз қилиб, завқу шавқ ва шону шуҳрат баландликларида бўладн...

Бу, жамиятимиз қонунидир.

АХЛОҚ ВА ОДОБ

тирадиган ишёқмаслик ва текинхўрлик, меҳнат қишисини ҳурмат қилмаслик ва айёрлик, безорилик ва беҳаёлик, фитна-фужур, ёлғончилик, чақимчилик, лўттибозлик нафратлидир. Айниқса, ҳам яширин, ҳам очиқ, яъни туну кун дайдиб ўзгалар мулкини ўмариш ва очиқ суратда текинхўрлик билан машғул бўлиб, ўзгалар ҳисобига яшаш асло кечириб бўлмайдиган жиноятдир, хиёнатдир. Ахир, бу ярамасликларнинг охири албатта фалокат ва ҳалокат бўлғай!..

Ахир, қолаверса, табиат ҳам меҳнат қилади, бусиз кўзимиз ўнгидаги гоят бой, гўзал ва жур-бужур табиатнинг ўзининг бўлиши мумкин эмас, бир оз «иш»дан тўхтаса, йўқ бўлади... Бусиз умуман қаётнинг ўзининг бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, табиат «меҳнат» қилади — табиат яратади, шунинг учун яшайди, ҳаёт бор. Ахир, униши, ўсиши, вояга етиши ва мева қилиши, ҳосил бериши учун умуман табиатнингтина эмас, ҳатто бир тур олманинг ўзининг қанча «уриниши», қанча «меҳнат қилиши» керак! Ахир, табиат «меҳнат»и қандай ва қанча ажойиб гулга, қўшиқ айтадиган қушга ва ширин-шакар мевага айланади-я! Чумолини айтмайсизми, у баҳор қуёши ялт этиб чиқиши ва кунларнинг илий бошлаши биланоқ, то илк совуқ тушгунга қадар эртаю кеч ташгани ташиган. Назокат намунаси ва мафтуни бўлган капалак то ўз севгилисининг бағрларига бориб қўнгунига қадар қанча йўл босади ва хавфлардан ўтади, азобларни ўз бошидан кечиради! Шуни қилмасдан кўрсин-чи! Мана, ниҳоят даражада ювош мусичанинг ёки айниқса жуда шўх қалдирғочнинг уясини

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Тошкент области қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб нишонлаш, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига фаол қўшилиб, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари мудатларини қисқартириш, таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати реконструкцияси, Ўрта Чирчиқ ГЭСлари тизмасининг учинчи босқичи—Ғазалкент гидроэлектр станцияси қурилишида, қўпгина бошқа муҳим объектларни барпо этишда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Область шаҳарлари ва районлари бўйича 1980 йилнинг биринчи кварталида капитал қурилиши плани бажарилишининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича бўлди (процент ҳисобида):

шаҳарлар, районлар	фойдаланишга топшириш		Капитал маблағ сарфлаш	
	Асосий фондларни	уй-жой-ларни	жами	шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари
Шаҳарлар:				
Олмалиқ	132	87	97	87
Ангрен	128	100	91	93
Оҳангарон	259	—	174	151
Бекобод	92	—	87	96
Чирчиқ	3	115	100	119
Янгийўл	183	308	92	96
Районлар:				
Оққўрғон	175	—	302	217
Оҳангарон	141	—	97	99
Бекобод	122,0	—	463	343
Бўстонлиқ	164	—	86	96
Бўка	339	—	185	185
Ғалаба	37	16	68	65
Калинин	50	—	116	135
Коммунистик	68	—	132	127
Оржоникидзе	351	—	123	137
Паркент	28	143	69	70
Пискент	373	17	175	163
Ўрта Чирчиқ	167	126	86	85
Тошкент	79	83	123	121
Чиноз	217	—	124	109
Янгийўл	75	100	78	123

Бўстонлиқ районида 1176 ўқувчи ўрни бўлган мактаб фойдаланишга топширилди. Бошқа шаҳарлар ва районларда шу йилнинг биринчи кварталида мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва касалхоналарни фойдаланишга топшириш планлаштирилмаган эди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шу йилнинг биринчи кварталида барча шаҳарларда ва районларда асосий фондларни, уй-жойларни фойдаланишга топшириш планлари тўла бажарилгани йўқ. Айрим бинокорлик ташкилотлари капитал маблағлар ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш топшириқларининг уддасидан чиқмади.

Областнинг Олмалиқ шаҳари, Ғалаба, Пискент ва Тошкент районлари бинокорлари уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини бажармадилар. Фақатгина икки шаҳар — Оҳангарон ва Чирчиқда қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилди. Бу кўрсаткич область районларида анча дуруст бўлди, чунки кўпчилик районлар план-топшириқларини эиёдаси билан адо этдилар.

Беш йиллик якунловчи йилининг тигиз программаси ва область монтажчилари ҳамда бинокорлари томонидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар қурилиш суръатларини бутун чоралар билан жадаллаштиришни талаб этади. Шаҳар ва район партия комитетлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари жойларда капитал қурилиш масалаларига катта эътибор беришлари керак.

Моддий-техника ва ишчи кучи ресурсларини фойдаланишга топшириладиган қурилишларга марказлаштириш, қурилиш майдонларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасини ошириш, кучлар ва воситаларни кўплаб объектларга тарқатиб юборишга йўл қўймаслик лозим. Қурилиш ишлаб чиқариши барча участкалари фаолиятини аниқ координациялаш, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш масалалари жойлардаги партия ва совет органларининг эътибор марказида бўлмоғи керак.

Илғорлар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, злобинчи бригадалар иш тажрибасини, илғор иш усулларини кенг оммалаштириш ва жорий қилиш ва шу асосда планда назарда тутилган барча объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишига эришиш лозим.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЕР КУРРАСИ ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИНИ НИШОНЛАМОҚДА

СОФИЯ. БКП Марказий Комитетининг секретари Д. Станишев ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: болгар халқи қардош совет халқи билан, бутун дунёдаги тараққийпарвар кучлар билан биргаликда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ўзининг улкан ва нурафшон байрами сифатида нишонламоқда. Ленинизм давримиз байроғи бўлиб қолди, чунки унинг ғоялари бутун инсоният тараққиётига қудратли таъсир ўтказди ва ўтказмоқда.

БКП Марказий Комитетининг секретари пролетар ва социалистик интернационализм принципларининг аҳамиятига тўхталиб, бу принциплар халқаро ҳаётдаги воқеалар ва ҳодисаларга тўғри баҳо бериш учун ҳамда ҳар бир Коммунистик партиянинг, бутун коммунистик ҳаракатнинг самарали стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш учун бирдан бир тўғри йўл бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

* * *

ГАВАНА. Социалистик Куба коммунистлари ва барча меҳнаткашлари,— деди Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Куба коммунистик ҳаракати ва социалистик революцияси тарихи институтининг директори Фабио Гробарт,— бутун тараққийпарвар инсоният билан биргаликда жаҳон пролетариати доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини тантанали суратда нишонламоқдалар.

Ленин юбилейи, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, бутун халқимизнинг катта байрамидир. Халқимиз учун В. И. Ленин жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган инсонгина бўлиб қолмай, шу билан бирга чинакам устозимиз, озодлик учун олиб борган курашимизнинг илҳомчисидир.

* * *

АДДИС-АБЕБА. Жаҳон пролетариати доҳийси В. И. Ленининг ғоялари революцион қурилиш йўлидан бораётган Эфиопия учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Эфиопия халқига Ленин таълимоти шунинг учун актуал аҳамиятга эгаки, ҳозирги вақтда бу халқ Эфиопия меҳнаткашлар партиясини тузишга киришди. Бу партия халқ революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ишига бошчилик қилиши лозим.

* * *

ЛИССАБОН. Португалия пойтахтидаги энг катта томоша залларидан бири бўлган «Театру Аберту» зали жамоатчилигининг В. И. Ленин туғилган кунининг муносабати билан ўтказадиган тантанали йиғилишда иштирок этишни хоҳлаган кишиларнинг ҳаммасини сигдира олмади. Йиғилишни «Португалия — СССР» жамияти бошқа социалистик мамлакатлар билан Португалия дўстлик жамиятлари билан биргаликда уюштирди.

Португалияда Ленин кунлари кенг ва тантанали равишда байрам қилинмоқда.

* * *

ТОКИО. Токиода Японияниинг «Искра» фирмаси бинасида «Ленин дўстлик хонаси»ни очишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Япония савдо-саноат доираларининг намояндалари ва Япония-Совет дўстлиги ҳаракатининг актнвлари СССР ва Япония давлат байроқлари билан безатилган катта залга тўпланишдн. Улар шу залга қўйилган ҳамда В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишдилар.


Тантанали йиғилишда «Япония—СССР» жамияти президентининг ўринбосари М. Хориэ нутқ сўзлади. У «Искра» компанияси ҳам коллектив аъзоси бўлган «Япония—СССР» жамияти бу йил В. И. Ленин юбилейига бағишланган бир қанча тадбирларни ўтказажагини таъкидлади.

(ТАСС, 16 апрель).

* * *

ҚОБУЛ, 17 апрель. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси марказий газеталари саҳифаларида «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида» деган янги рубрика остида материаллар эълон қилинди. Бу материалларда В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Рубрика бутун прогрессив инсоният ҳаётидаги тарихий санага бағишланган.

Кобулдаги марказий ннотеатрлардан бирида В. И. Ленин тўғрисида ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда. Бу фильмлар афгон томошабинларига жаҳон пролетариати йўлбошчиси, Совет давлати асосчисининг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятини беради.



ВЕНГРИЯ. Будапештдаги Мадач номли театр коллективи А. П. Чеховнинг «Уч опа-сингил» пьесасини муваффақият билан саҳналаштирди. Рус авторларининг саҳна асарлари ушбу театр репертуарндан доимо ҳосил ўринлардан бирини эгаллаб келади.

Суратда: спектаклдан бир кўриниш.

МТИ — ТАСС фотоси.

БЖЕЗИНСКИЙГА ТАРСАКИ

ТЕҲРОН, 17 апрель. (ТАСС). Эрон Ислом республикаси бирдашган штабининг бошлиғи генерал Ходи Шодмеҳр Теҳрон радиосининг мухбири билан суҳбатда: «Совет Қўролли Кучларининг Эрон территориясига ҳужум қилишга ҳозирлик кўраётганидан дарак берувчи ҳеч қандай далил ва нишоналар йўқ»,— деб айтди.

Радионинг таъкидлашича, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинскийнинг «Совет қўшинлари Закавказьедан Эронга бостириб кириш учун тайёргарлик кўрмоқда», деб яқинда ивоғарлик мақсадида айтган гапи муносабати билан Шодмеҳр шу баёнотни берган.

ҚАЛБ ТАШАККУРИ

(ХАТЛАРНИ ЎҚИБ)

Меҳр билан илк бор қалам тутқазган мураббийнинг ким унута олади?! Ўқитувчи... Бу ажойиб касб эгаси ҳақида эҳтирос билан тўлқинланиб қанча сўзласанг шунча оз. Ўқитувчи меҳри дунё она, ўқитувчи насиҳатгўй мураббий.

Редакциямизга бу эзгубахш инсонни мадҳ этувчи хатлар кўплаб келиб турибди.

Тошкент давлат университетининг студенти **Ҳ. Ҳакимова** ўз мактубида биринчи ўқитувчиси — ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли 4-ўрта мактабнинг илмий мудири Н. Муҳаммаджонов ҳақида ёзади. Унда: «бир соатлик дарс катта бир асар, бир соатда ўқувчиларга қанчадан-қанча билим озуқасини бериш мумкин. Неъмат ака 30 йилдан бери кўплаб ёшларни ўқитди, шогирдларни тарбиялади», деган жумлаларни ўқиш мумкин.

Газетхон **Т. Дўсонов** йўллаган хабарида Тошкент районидаги 3-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси Т. Обидовнинг ибратли ишларини қаламга олган.

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси — педагог **М. Абдуллаев**нинг «Мураббийлар» сарлавҳали материалини қўлимизга оламиз. У ўз ҳамкасблари З. Раҳмонова, З. Мажидова, Ў. Рустамовалар ҳақида, жумладан шундай деб ёзади: «Улуғ Ватан уруши йилларида ўз меҳнат фаолиятларини бошлаган бу онахон ўқитувчилар ҳозирги кунларда ҳам, пенсия ёшида бўлишларига қарамай, бу шарафли касбларини озлаб, Тошкент районининг 12-ўрта мактабида ишламоқдалар. Улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди».

Оржоникидзе районидаги 1-ўрта мактабнинг химия-биология ўқитувчиси З. Икромованинг педагогик фаолияти газетхон **Қ. Муллажонов** материалида ўз аксини топган.

— Мен илк бор мактаб қучоғига борган кунимни унутолмайман — дейилади илғор ишчи **Р. Зокиров** мактубида,— мени ўшанда юзи-кўзидан нур ёғилиб турган бир аёл илиқ табассум билан кутиб олганди. У ўқитувчиларга хос меҳрибонлик билан елкамдан тутиб, партага ўтказганди. Бу менинг биринчи ўқитувчим О. Абдуқаюмовадир. У ҳозир Оҳангарон шаҳридаги 1-ўрта мактабда дарс беради.

Газетхонлар **Ҳ. Саъдуллаев, Ж. Абдиевлар** Коммунистик районидаги Кавардон қишлоғида жойлашган 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Ҳ. Исоқовнинг меҳнат фаолияти, ҳаёт йўли ҳақида, **У. Нормуродов** эса Бўка районидаги С. Айний номли 25-ўрта мактабда кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган М. Яминов, Н. Раҳмонов, Ҳ. Тошбоев каби ўқитувчилар тўғрисида ифтихор билан ёзишган.

Ҳа, моҳир педагогларнинг ибратли ишлари газетхонларни қизиқтиради. Буни илиқ гаплар битилган юқоридаги мактублар ҳам кўрсатиб турибди.



Академик Р. Р. Шредер номли узумчилик, виночилик-боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лимонзорларида ҳосил мўл бўлди. Суратда: илғор цитрусчи М. Азимова лимон ҳосилини кўздан кечирмоқда.

С. Хожиев фотоси.

ТАШАББУСКОРЛАР ДАЛАСИДА

ТАДБИРКОР ДЕҲҚОНЛАР

Новвотранг сувлар ўйноқлаб, ариқларни тўлдириб, жўшиб оқади. Деҳқон ҳам баҳор сувлари сингари завқ-шавқ билан, янги куч, янги илҳом билан енг шимарган.

Мана, ана шундай эзгуният билан иш бошлаган деҳқонларнинг бир гуруҳи далага помидор кўчатларн ўтказишмоқда. Бир томонда полиэтилен плёнкаси остига экилган бодрингга ишлов берилмоқда. Кун чиқиш тарафда эса кўзги пиёз ўтоқ қилинятти. Ўрта бўй, кенг ягрини, қуюқ қошли, оқсариқ юзли киши бизга пешвоз пайкалдан чиқди. Бу бригада бошлиғи Юсуф ака Рўзиев эди. Бригадир билан дала айланамиз. Помидор экилган пайкалнинг этагида ўрта яшар аёл эгатларга сув тараради.

— Бригадамизнинг энг яхши сувчиси Тўрди Умаркулова шу киши бўладилар, — дея таништирди Юсуф ака.— Колхозимизнинг ҳам энг яхши сувчиларидан. Ўтган йилги шавкатли меҳнатлари эвазига СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медали билан мукофотланди.

— Ҳозир кўчатнинг энг нозик маҳали. Кунлар исиб кетди. Агар сув қўйишда сал кечиксанг, улар қуриб қолиши мумкин, — дейди Т. Умаркулова.— Шу кунларда помидорни иккинчи сувдан чиқаряпмиз. Учинчи сувни эса фақат тунда оқизамиз.

Бригада деҳқонлари халқимизнинг «Эрта экқан — эрта йиғади», деган ҳикматли сўзига амал қилиб, бу йил сабзавот экинларини анча барвақт экишди. Чуноичи, помидор кўчатлари ўтган йилга нисбатан 18 кун олдин, яъни 29 мартда ўтказила бошланди.

— Илгарилари биз помидорни апрель ойининг охирларида экардик,— дейди бригадир.— Кун исиб кетиши билан кўчатларнинг тутиб қолиши қийинлашар, улар касалликларга чалинувчан бўлиб қоларди. Натижада помидор кеч етилиб, ҳосилдорлик 250—300 центнердан ошмасди. Бу даромадга ҳам таъсир қиларди.

Бригада деҳқонлари экинларни эрта экишга куздан бошлабок замин тайёрлай бошладилар. Барча майдонлар шудгор қилиниб, чизелланиб, экишга тахт қилиб қўйилди. Айниқса, помидор экиладиган майдонларга алоҳида эътибор берилди. Ҳар гектарига 50 тоннадан гўнг солинди. Баҳорги экиш олдидан бегона ўтларга қарши трефлан гербициди сепилди. Кейин 30х70х90 сантиметр схемасида кўчатлар ўтқазилди. Ҳар гектар ерга ўртача 45 минг тупдан ниҳол жойлаштирилди. Эрта-индин кўчатларга дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилади. Омилкорлар помидор ҳосилдорлигини 500 центнерга етказишга аҳд қилишган.

Сабзавоткорлар минерал ўғитлардан жуда кам фойдаланишади. Бригадада ҳосилдорлик асосан маҳаллий ўғитлар ҳисобига ошириб боришяпти. Миришкорлар экиларга ишлов бериш пайтида икки-уч мартадан шарбат оқизишади.

— Шарбат оқизиш кўп меҳнат талаб қиладиган иш,— дейди бригадир.— Шунинг учун биз бу йил ҳар бир карта тепасига бетон чуқурлар қилиб, у ерларга электр насослар ўрнатмоқчимиз. Насос орқали кучли босим остида юборилган сув гўнгни титиб, уни яхши аралаштириш ва экинларга бир меъёрда оқизиш имконини беради. Бунда меҳнат унумдорлиги анча ошади, ишчи кучи тежалади.

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхознинг учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени нишондори Ю. Рўзиев бошлиқ бригадаси аъзолари беш йиллик планни тўрт йилда адо этишган. Улар ўтган йилнинг ўзида давлатга пландагидан 200 тонна кўп, яъни 1400 тонна сабзавот маҳсулотлари сотдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 340 центнерни ташкил этди. Бу йилги марра эса 400 центнер. Мавжуд 41 гектар майдондан 1670 тонна сабзавот хирмони кўтаришади.

Бу йил илғор сабзавоткор ва боғбонлар қатори бу бригада аъзоларининг ўнинчи беш йилликни якунловчи йилида рекорд ҳосил етиштириш юзасидан бошлаган ташаббуслари область партия комитети томонидан маъқулланди.

Ҳозир ташаббускорлар барвақт экилган редиска, карам, бодринг каби экинлар парваришини жадал суръатда олиб бормоқдалар. Бригаданинг 20 нафар аъзоси уюшқоқлик билан ишлаб, беш йилликнинг якунловчи йили мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқда. Улар эрта-индин давлатга редиска, Ғалаба байрами арафасида карам, 20 майдан эса бодринг топширишни бошлаб юбориш ниятидалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари бригада аъзоларининг ғайратини жўш урдириб юборди. Ҳадича Нигталиева, Анор Мўйдинова, Санобар Тошпўлатова, Гулжаҳон Қашкинбоева, Ҳафиза Ашурова сингари миришкорлар қунлик иш нормаларини бир ярим-икки ҳисса қилиб адо этишмоқда.

Н. ҚОДИРОВ.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Баҳор тароватига бурканган Тошкент республикамизнинг турли шаҳар, район ва қишлоқларида яшаб, ижод қилаётган ёш йигит ва қизларни бағрига олди. Серқуёш пойтахтимизда барча областлар ҳамда Қорақалпоғистон АССРдан келган ёш талантлар, умидли журналистлар анъанавий республика фестивалига тўпландилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ёш ижодкорлар билан ишлаш тўғрисида»ги тарихий қарори ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёш ижодкорларга кўрсатаётган катта ғамхўрлиги ёшларни янада илҳом билан ижод қилишга даъват этмоқда. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган бу навбатдаги фестивалда ёш ижодкорлар таниқли адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашадилар, қизғин баҳс ва мушоираларда иштирок этадилар. Биз фестиваль делегатларини бу катта анжуман билан қутлар эканмиз, уларнинг янги муваффақиятларга эришувларига ишонч билдирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН

Оқшом пардасини
туширар аста,
Қушчалар тин олар,
Гўдак тошганидек бешикда
ором.
Тўлин ой сузади
кўкда оҳиста,
Бир нафас тик қолар
Бу оқшом шоирдан
олгандек илҳом
Бу — Оромистон.
Япроқлар томчидан
сирғалар тақиб,
Ялпиз ҳуш бўй таратар —
Жаннатнинг мушклари
лол бўлур шунда.
Кўнгилга муҳаббат урутин
отиб
Шивирлаб шеър ўқир —
Еллар ҳам дилларга
сирлидир бунда
Бу — Бахристон.
Бир Қуёш порлади
Ватан кўкида,
Тафтидан муз қайнар,
Кўмир ҳам мармарга
айланар ёниб.
«Оқ олтин» дур бўлиб
юртим кўксида,
Фарзандлар жон боғлар,
Ленининг меҳридан нур
эмар қониб —
Бу — Ўзбекистон.

Назира САЛОМОВА.

СОҒИНЧ

Эрта тонгни қуюқ-қуюқ тумanlармас
Қучоқлайди кўз қувончи—яшил ерниг
Хуш ҳидини қониб-қониб шимган ҳаво.

Борлиқ шундай сулув, шундай соз бу нафас —
Мана мен деб тилга кирар, қай бир тувлар
Хуноб бўлиб топмаганинг дилгир наво.

Тўлқинлаб сўнг кўкка боқиб ётар замин,
Дунёга кўз очган гўдак—яшил майса.
Гўдак юзин ўпаман мен бағрим тўлиб,
Бахтиёрман: она-тупроқ, меҳринг тўйсам!..

Уйларимни ўраб олган истаклар мўл;
Учим келар олис, азиз ғўшам сари.
Соғинганман, эҳ... мени ҳам соғинғандур—
Диёримнинг кўклам қўнган адирлари.

Замира РУЗИЕВА.

ДАРАХТ

Қурувчилар
кетиш олдидан,
Дарахт безар, дея,
кўчани,
Йўл ва бино оралиғига
Ўтқазидилар олма
кўчати.
Қуёшнинг зар толаларига
Осилганча дарахт
улгайиб,
Шу атрофнинг болаларига
Мева инъом этди
ғаройиб...
Ҳавас билан жамалак
соч қиз
Узиб сара бир донасини,
Хурсанд қилди, шифтга
тиқиб кўз
Бемор ётган шол онасини.
Тўққизинчи қават.
Бу ҳолни
Деразадан кузатиб шоир,
Узун-узун хаёлга толди
Шеър ёзай деб олмага
доир.
«Хаёл бошқа — бошқа,
деб, ҳаёт»
Уқдиргувчи олим ҳам
аммо
Бўлолмади дарахтга
нажот,
Бўлолмади дардига
дармон.
Томирларин бетон
бинолар
Сиққанини билмасди ҳеч
ким.
Вақт деб азоб чекарди
улар,—
Бўлмас эди ишга
кечикиб...
Кечқурунлар, гўё
поездга
Кечикишдан қўрққан
йўлчидай
Урардилар ўзни
подъездга,
Ёшу қари сурниб
бирдай.
Кейин... кейин тун бўйи
улар
Ойинан жаҳонга боқиб,
«Шайба!» дея
ҳайқирардилар
Олтин топган кабн
ютоқиб.
Табиатдан бутунлай
совиб
Кетмаганди қалблари
ҳали.
Фақат экран орқали
севиб,
Куярдилар экран орқали.
Дарахт эса... толеи нигун
Огир ҳаво, шовқиндан
карахт,
Юксак бино пойига бир
кун
Қулаб тушди қарсиллаб
ногоҳ.
Топилмади ҳол сўровчи
мард.
Бирон кимса чекмади
қайғу.
Ҳамманики эди у гарчанд,
Ҳеч кимники эмас эди у!

Саъдулла ҲАКИМ.

ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ ВА ПИЁДА

ҲАМЗАНИ ЕД ЭТИБ

Яқинда Тошкент Давлат университетининг Романо-Герман филологияси факультети тайёрлов бўлими тингловчиларининг томонидан ўзбек Совет адабиётининг асосчиси, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни хотирлашга бағишланган илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Ҳамза ҳаёти ва фаолияти ҳақида докладлар ҳамда шоир ижодидан намуналар ўқилди. «Бой ила хизматчи» драмасидан айрим кўринишлар намойиш этилди.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.



Баҳор қулф урмоқда
чаман-боғларда
Муаттар гуллардан
хуш бўй таратиб.
Оламда бекиёс
бундай чоғларда
Мевазорни кезсанг
кўнгил яйратиб.

А. Абалян фотоэтюди.

Маълумки, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун биринчи навбатда автомобиль — инсон — йўл факторларини ўз ичига олувчи муҳим проблемаларни ҳал этиш лозимдир. Бу проблемаларни автомобиль конструкциясини мукаммаллаштириш, йўлларни реконструкция қилиш, ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш, техника ҳизмати кўрсатиш чораларини янада яхшилаш ҳамда юқори малакали ҳайдовчи ва ремонт хизмати кўрсатувчи кадрларни тайёрлашни ривожлантириш билан амалга ошириш мумкин.

Кўча ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар бир транспорт ҳайдовчиси ўз масъулиятини сезган ҳолда ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиши керак. Чунки, ҳар бир йўловчи ва транспорт ҳайдовчисининг қоидага риоя қилмаслиги кўнгилсиз ҳодисага сабаб бўлади.

Кейинги йилларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир мунча амалий тадбирлар бажарилмоқда. Ана шуларнинг бири ҳар йили ўтказиладиган Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўрикларидир. Иттифоқимизда шу йилнинг 1 апрелидан 30 апрелигача яна ана шундай баҳорги кўрик ўтказилмоқда. Бу ойликни ўтказишдан асосий мақсад барча автомобиль хўжаликлари, муассаса ва ташкилотлар вакиллари, шахсий автомобиль ҳайдовчилари ҳамда пиёдаларнинг хушёрлигини янада оширишдан иборатдир.

Областимиз давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ҳам бу ойликка катта тайёргарлик кўришган. Ҳозирги кунда улар автомобиль хўжаликларида, корхоналарда, колхоз ва совхозларда, шунингдек, бошқа ташкилотларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган тадбирларни амалга оширишмоқда. Аҳоли ўртасида кўча ҳаракати қоидаларига оид лекция ва суҳбатлар ўтказишяпти.

Бу галги ҳаракат хавфсизлиги кўриги транспорт воситаларининг техника назоратидан ўтказиш ойига тўғри келди. Областимизнинг барча автомобиль хўжаликларида, колхоз ва совхозларда транспорт воситаларини техник ҳолатини текшириш ишлари тугалланиш арафасида турибди.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ зарурки, областимизда ҳали ҳам кўнгилсиз ҳодисалар бўлиб турибди. Унга асосан транспорт воситаларини бошқарувчиларнинг маст ҳолда рулга ўтиришлари, ноўрин тезликни оширишлари сабаб бўлмоқда. Жумладан шу йилнинг 24 март куни В. Лифатов ўзининг шахсий «ЯВА-350» маркали 40—73 ТНД мотоциклида Тошкент шаҳридан Чирчиқ шаҳри томон катта тезликда кетаётиб, олдинда бораётган «Запорожец» автомашинасини кўча ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузиб қувиб ўтмоқчи бўлади. Оқибатда қарама-қарши томондан келаётган «ПАЗ-672» маркали автобус билан тўқнашади. В. Лифатовнинг бу ҳаракати фақатгина ўзи учун эмас, балки, у билан бирга кетаётган бегуноҳ дўсти А. Спирягин учун ҳам фожиали тугади.

Яна бир мисол. Олмалиқ шаҳридаги Ленин номли кўчадан «Строитель» кинотеатри томон кетаётган 70—02 ТШЖ номерли «ЯВА-350» мотоцикль ҳайдовчиси жиноят содир қилди. У шу шаҳарда яшовчи илғичи В. Хроможкони уриб юборди. Жароҳатланган йўловчига биринчи медицина ёрдами кўрсатилиб, касалхонага ётқизилди.

Албатта, жиноят содир қилган транспорт бошқарувчиси ўз қилмишига яраша жазосини олади. Лекин, масалага чуқурроқ ёндошилса пиёда ҳам маълум миқдорда айбдор эканлиги аён бўлади. Жумладан, у катта йўлнинг ўртасида маст ҳолатда «сайр қилган».

Шундай экан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда транспорт бошқарувчилари билан бир қаторда пиёдалар эммасига ҳам катта масъулият юкланади.

Ҳозирги кунда кўча ҳаракати хавфсизлигини тўла таъминлаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун кўчада ҳаракат қилаётган ҳар бир киши белгиланган қоидаларга қатъий амал қилиши шарт. Шундагина йўлларимиз бехатар бўлади.

А. АЗИМОВ,
область давлат автоинспекцияси ходими, милиция лейтенанти.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номли қўлёзмалар институти В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб илмий сессия ўтказди. Уни филология фанлари доктори, институт директори Азиз Пўлатович Қаюмов кириш сўзи билан очди.

Беруний номли Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Б. Аҳмедов «В. И. Ленининг манбалар устида ишлаш» деган темада доклад қилди. Филология фанлари доктори М. Қодирова «30 йиллар ўзбек совет поэзиясида В. И. Ленин образи» деган темада фикр юритди. Йиғилганлар, шунингдек филология фанлари кандидати Р. Ҳолиқовнинг «Ўзбек совет поэзиясининг шаклланишида Ленин ҳақида яратилган илк шеърларнинг таъсири» ва кичик илмий ходим Т. Тўрабоевнинг «Ўзбек Лениниомаси қўлёзмалари» мавзуларидаги докладларини ҳам қизиқиш билан тингладилар.

А. БОБОБЕКОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

БУТУНИТТИФОҚ ВА ХАЛҚАРО КОНКУРСЛАРНИНГ ЛАУРЕАТИ, ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИҚГ ЛАУРЕАТИ

«ПЕСНЯРЫ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

(янги программа)

Бадиий раҳбар — композитор, Белоруссия ССР халқ артисти Владимир МУЛЯВИН.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ҳамда Свердлов номли концерт зали кассаларида сотилади.

Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Томошалар 23, 24, 25, 28 ва 29 апрель кунлари соат 14.00, 17.00 ва 20.00 да; 26 ва 27 апрелда соат 10.00, 14.00, 17.00 ва 20.00 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«КЎЗГА КУРИНМАС ОДАМ»

ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мукофотининг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишланди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трести базасидаги 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ёритиш ва ёритиғ тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоғи ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, газ-электр пайвандчи, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электромонтажчи, контрольўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат қилиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1, 2, 3 ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирган ўқувчилар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийимбош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирган ўқувчиларга (киномеханиклардан ташқари) ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига иш ҳақининг 50 процента, қолганларга эса 33 процента берилади.

Совет Армияси сафидан қайтиб келиб электро-монтажчи ихтисосига кириб ўқийдиган йигитларга ётоқхона берилади, ўқиш муддати қисқартирилади (ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ой). Машғулотлар группалар комплектланган дан сўнг бошланади.

Билим юртини тугатганлар техника ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Билим юртидаги яхши спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (45, 33, 34, 70, 79, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар, 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар, 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).


ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Республика территориясида шаҳарлараро телефон алоқаси кабели ётқизилган ва ишлаб турибди. Ана шу кабелларга шикаст етказилиши телевидение эшиттиришларининг тўхтаб қолишига, телефон орқали сўзлашувнинг бузилишига, телеграммаларни етказиб бериш секинлашувига олиб келади.

Алоқа кабелларининг шикастланиши мамлакатимиз аҳолиси манфаатларига ва умуман давлатга ҳам зарар етказади.

Совет ҳукуматининг қарори билан алоқа кабели учун 4 метр кенгликда муҳофаза зонаси белгиланган. Кабелларнинг муҳофаза зонасида ана шу кабеллардан фойдаланувчи корхонанинг ёзма равишдаги розилигисиз ҳар қандай қўйинишдаги ер қазув ишлари ўтказиш,шунингдек дарахт ўтказиш, омборлар қуриш, транспорт бекатлари ва бошқалар қуриш қатъиян ман этилади.



МУҲОФАЗА ЗОНАСИ

Аҳоли пунктларидан ташқаридаги шаҳарлараро алоқа кабеллари устунчалар ва огоҳлантириш белгилари билан белгиланади. Муҳофазадаги кабель зонасида ер қазиш ишларини амалга ошириш вақтида бу белгилардаги адрес ва телефон номерига қараб, тегишли ташкилотга мурожаат қилиш мумкин.

Ўзбекистон ССР шаҳарларида ер қазиш ишларини амалга оширишга фақатгина халқ депутатлари Советларининг архитектура бўлимлари ёки коммунал хўжаликлари томонидан берилган ордер орқали рухсат этилади.

Алоқа кабеллари ўтган жойларда ер қазиш, тупроқ текислаш, суғориш системалари ўрнатиш ишлари берухсат, ғайри қонуний равишда амалга оширилишига йўл қўйилмасин.

ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗГАНЛАР ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН ЖАЗОЛАНАДИЛАР.

СССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ ТЕРРИТОРИАЛ МАРКАЗИ.

Тошкент область ижроия комитетининг МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ ИЛГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАНЛАРНИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларга пул нафақаси берилади.

Тўқимачилик институти ва техникумига ўқишга кирувчилар учун имтиёзлар берилади.

Эҳтиёжи бўлганларга қулай жиҳозланган ётоқхонадан жой берилади.

Справкалар олиш учун область, шаҳар ва районларидаги меҳнат бўйича вакилларга ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш бюролариға мурожаат этилсин: Тошкент шаҳрида, Привокзальная кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 33-84-84, 33-81-21.

ГОСКОМТРУД Узссп

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, сайқал берувчилар, қолипловчилар, электрокарачилар, прессловчилар, электр-газ пайвандчилар, электромонтёрлар, кўприкли кран кранчилари, трактарчилар, контролёрлар, юқорида кўрсатилган касблар бўйича шогирдлар. Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ОМОНАТ КАССАЛАРИГА 75-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1980 ЙИЛ 8 АПРЕЛДА АНДИЖОН ШАҲРИДА БУЛИБ УТДИ.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҲАММА ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГАН ОМОНАТ СЧЕТЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИКДИ:

Счет номерлари	Ютуқ миқдори ўртача омонат суммасига процент билан	Счет номерлари	Ютуқ миқдори ўртача омонат суммасига процент билан
А-013	25	А-546	25
А-043	25	А-575	25
А-118	25	А-636	25
А-140	50	А-662	25
А-191	25	А-714	100
А-221	25	А-745	25
А-261	25	А-760	25
А-297	25	А-834	200
А-359	100	А-875	25
А-366	25	А-894	25
А-401	25	А-944	25
А-448	50	А-991	25
А-504	25		

Счётларнинг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир: Масалан: счёт № 2 А-1013, А-2013, А-3013, А-4013 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Андижон шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — З. К. Иброҳимова.

Комиссиянинг масъул секретари — СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Ўзбекистон республика Бош бошқармасининг катта инспектори М. Ҳ. Йўлдошева.

ДОИМИЯ ИШГА

омбор мудири, тарбиячи, машинистка, курьер, автоматик телефон станциясини координациялаш бўйича алоқа техниги, созловчи-слесарь, автопогрузка ҳайдовчиси, аккумуляторларни совловчилар, газ пайвандчи, автомотурист, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИҚГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қадрдон ер бўлаги. 10.35 — Сарсонлик саргардонликда. Бадиий фильм. 12-серия. 11.50 — Концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20— Ҳужжатли фильм. 16.20 — Москва ва москваликлар. 16.50 — Ленинград телевидение ва радиосининг В. А. Андреев номли рус халқ оркестри чалади. — 17.30 Орленок. 18.30 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин» поэмаси. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Америка қопқони. 20.15 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 13-серия. 21.30— Время. 22.05 — Мен сизга бахт тилайман. 22.40 — Дунё воқеалари. 22.55 — Фильм-концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

11.30 — Санъат гунчалари. 12.05 — Милтиқли киши. Бадиий фильм. 13.35 — Ёшлик. 18.20 — Мультфильм. 18.30— Авлодлар эстафетаси. 18.55 — Енгил саноат қурилишларига диққат-эътиборни кучайтирайлик. 19.15 — Ленин альбоми. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон композиторларининг В. И. Ленинга бағишланган асарлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гулизорим менинг. 21.30 — Время. 22.05— Оламда нима гап? 22.35 — Актёрлар ва роллар.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Нурафшон давра маршрутлари. 20.55 — Математика. 21.55 — Ўқитувчилар учун консультация. 22.25 — Майор Буров. Бадиий фильм. 2-серия.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18|IV да Қизил дурралн нозик ниҳолим, 19|IV да Тошкентнинг нозанин малиқаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|IV да Отасининг қизи, 19|IV да Ишқ қурбонлари.

Спорт

МАЙДОН ЭГАЛАРИ

УСТУНЛИГИДА

Ўтган куни ва кеча футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари навбатдаги тўртинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Бу турни Марказий Армия спорт клуби — «Черноморец», «Спартак» — «Шахтёр» командалари ўзаро учрашув билан бошлаб беришди. Пойтахт спартакчилари «Шахтёр» дарбозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, жадвалдаги аҳволларини яхшилаб олиш билан бирга кончилларнинг пешқадамлик мавқеларини бўшаштириб қўйдилар. Тўпларни 18-минутда Родионов, 47-минутда Гавриловлар киритишди.

Марказий Армия спорт клуби Одессанинг «Черноморец» командасини ана шу ҳисобда мағлубиятга учратди. Бу ўйинда биринчи бўлиб Одесса командаси ярим ҳимоячиси Скрипник 27-минутда ўз дарбозасига тўп киритди. Армиячи Дубинин биринчи бўлимнинг сўнгги минутида ҳисобни 2:0 га етказди.

Кеча тўртинчи турнинг қолган ўйинлари бўлди. «Пахтакор» Ленинградда маҳаллий «Зенит» командаси билан учрашди.

ЧАВАНДОЗЛАР БАҲСИ

Чирчиқда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғасини учун навбатдаги анъанавий мусобақалар давом этмоқда. Катта ёшдаги тулпорларда учқураш баҳслари халқаро классдаги спорт мастери Валерий Дворяниновнинг ажойиб ғалабаси билан тугади. Бу чавандоз Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кубогига муяссар бўлди.

Анъанавий турнирда республикамизнинг энг кучли чавандозлари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларининг спортчилари ҳам иштирок этишмоқда.

СТАРТДАГИ ОЧКОЛАР

Шахмат бўйича республика чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Навбатдаги иккинчи турда Д. Қаюмов ва Ф. Шарипов оқ донадар билан ўйнаган бўлишларига қарамай А. Хан билан Т. Воҳидовларга ютқазишди. В. Аъзамов билан А. Тошхўжаев, К. Малинычев билан Г. Аъзамов учрашувлари дуранг бўлиб тугади.

Икки турдан сўнг икки очко тўплаган тошкентлик Т. Воҳидов пешқадамлик қилмоқда.

Шахмат клубида аёллар ўртасида республика 38-чемпионатининг биринчи турида тошкентлик Лариса Пинчук дастлабки ғалабани қўлга киритди. У Рая Кассени енгди. Тошкентлик И. Жумаева билан бухоролик М. Ҳакимова учрашуви дуранг бўлиб якунланди.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01935. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 12-3. 12.